

Criminal liability for family (domestic) violence and some issues of its improvement

Zulkhumor IBROKHIMOVA¹

Assistant Judge of the Chilanzor District Court for Criminal Cases

ARTICLE INFO

Article history:

Received June 2024
Received in revised form
15 July 2024
Accepted 15 July 2024
Available online
25 August 2024

Keywords:

domestic violence,
mental abuse,
economic abuse,
restraining order,
abuser,
violence against women,
child abuse,
violence against relatives,
stalking.

ABSTRACT

This article discusses legislation related to the protection of women's rights and freedoms, as well as criminal liability for any aggression and violence committed against them, and expresses opinions on adding liability for domestic violence, as mentioned in the Civil Procedure Code. Also, a special place in the commission of such actions is the fact that women are often subjected to violence in the form of harassment. At the end of the article, proposals are presented for making appropriate changes and additions to criminal legislation and administrative legislation.

2181-1415/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol5-iss4-pp155-160>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Оилавий (маиший) зўравонлик учун жиноий жавобгарлик ва уни такомиллаштиришнинг айрим масалалари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

оилавий (маиший)
зўравонлик,
руҳий зўравонлик,
иқтисодий зўравонлик,
ҳимоя ордери,
зўравон,
аёлларга нисбатан
зўравонлик,
болаларга нисбатан
зўравонлик,

Мазкур мақолада хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонунчилик, шунингдек уларга нисбатан содир этиладиган ҳар қандай тожовуз ва зўравонликка қарши жиноий жавобгарлик юзасидан сўз бориб, шу кунга қадар мазкур жиноятларнинг ўсиш сурати юқори эканлиги ҳамда содир этиш усуллари турли эканлигини инобатга олиб, Жиноят кодексида қайд этилган оилавий зўравонлик учун жавобгарликка қўшимчалар киритиш юзасидан фикрлар илгари сурилган.

¹ Doctor of Philosophy (PhD) in Law, Assistant Judge of the Chilanzor District Court for Criminal Cases.
E-mail: zulxumor2021@mail.ru

қариндошларга нисбатан
зўравонлик,
таъқиб (сталкинг).

Шунингдек, бу каби қилмишларни содир этишда кўпинча аёлларни таъқиб қилиш усули билан зўравонликка учраётганлиги алоҳида ўринга эга. Мақола сўнгида жиноят қонунчилиги ва маъмурий қонунчиликка тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тақдим этилган.

Уголовная ответственность за семейное (домашнее) насилие и некоторые вопросы ее совершенствования

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

семейное (домашнее) насилие, психическое насилие, экономическое насилие, охранный ордер, обидчик, насилие в отношении женщин, жестокое обращение с детьми, насилие в отношении родственников, преследование.

В данной статье говорится о законодательстве, связанном с защитой прав и свобод женщин, а также об уголовной ответственности за любую агрессию и насилие, совершенные в отношении них, высказаны мнения о добавлении ответственности за насилие в семье, упомянутое в Гражданском процессуальном кодексе. Также особое место в совершении подобных действий имеет тот факт, что женщины часто подвергаются насилию в форме домогательств. В конце статьи представлены предложения по внесению соответствующих изменений и дополнений в уголовное законодательство и административное законодательство.

Жамиятнинг муҳим бўғини сифатида оиланинг мустаҳкамлиги жамиятнинг тинч ва тотувлиги ҳамда давлатнинг тинч ва барқарор равнақ топиши учун мустаҳкам асос ҳисобланади. Шу боис ҳам мамлакатимизда ўтган даврда оила манфаатини, хотин-қизларни ҳимоя қилиш, оиланинг жамиятдаги мавқеи ва мақомини янада юксалтириш, оилада аёлларга зўравонликнинг олдини олиш, жамиятда хотин-қизларга нисбатан зўравонликка доир муросасизлик муҳитини яратиш, жамиятда аёл ва эркекларнинг тенг ҳуқуқчилигини таъминлаш, аёлларга давлат ва жамият ҳаётида ўз имкониятларини рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратиш масалаларига замонавий давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, “Оилаларда носоғлом муносабатлар, қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар, хотин-қизларимиз орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари борлиги шахсан мени қаттиқ изтиробга солмоқда” [1]. Ўз даврининг илғор фикрловчиларидан бўлган жадид маърифатпарвари Абдурауф Фитрат ҳам ўзининг “Оила” асарида “Миллат тақдири мана шу миллат вакиллари яшаган оиланинг ҳолатига боғлиқдир... Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади” [2], деб таъкидлайди.

Мамлакатимизда 2019 йилда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун [3] қабул қилиниб, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича муҳим кафолатлар яратилди. Шунингдек, 2023 йилда конституциявий ислохотлар натижасида янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам оила жамиятнинг асосий

бўғини, у жамият ва давлат муҳофазасида эканлигини, давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Бу борада айниқса, Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 11 апрелдаги **“Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги ЎРҚ–829-сон Қонун қабул қилиниши ҳам хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда муҳим қадам бўлди.

Мазкур Қонун билан Жиноят кодекси “Оилавий (маиший) зўравонлик” деб номланувчи янги 126¹-модда билан тўлдирилиб, оилавий (маиший) зўравонлик криминализация қилинди [4]. Унга кўра, **“оилавий (маиший) зўравонлик” (126¹-модда)** деганда, хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек ушбу шахслар соғлиғининг ёмонлашувиغا олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларни қўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Бу бежиз эмас, албатта, зеро, оила муҳитида содир этиладиган жиноятлар жамият асосларига путур етказди, ҳаёт сифатига салбий таъсир кўрсатади ҳамда жамиятдаги криминоген муҳитни ёмонлаштиради. Статистик маълумотларга кўра шахс ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятларнинг 40 фоизи, ҳар тўртта қотилликнинг биттаси, қасддан баданга шикаст етказишларнинг ҳар бештадан биттаси, ҳақорат қилиш ва туҳматнинг саккизтадан биттаси айнан оила-турмуш соҳасида содир этилмоқда [5].

Таъкидлаш лозимки, 2023 йилда ЖК 126¹-моддаси (Оилавий (маиший) зўравонлик) бўйича 203 нафар шахс судланиб, уларнинг 59 нафарига озодликдан маҳрум этиш жазоси, 144 нафарига эса, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чораси қўлланилган.

Жиноий оилавий (маиший) зўравонлик “жабрланувчиларнинг турли даражада азобланиши, ногирон бўлиб қолиши, меҳнат қобилятини йўқотиши, тиббий ёрдам ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш харажатларини ошиши, болалар ва бошқа оила аъзолари ўртасида уйсизлик даражасининг ошишига сабаб бўлади” [6] ҳамда “мамлакатдаги демографий вазиятга ҳамда бола тарбияси асосларига путур етказувчи миллий хавфсизликка дахлдор муаммо бўлиб ҳисобланади” [7].

Оилавий (маиший) зўравонлик – бу оила ёки уй шароитида содир этиладиган, шунингдек, алоҳида оила аъзолари ёки улар билан бир уйда яшайдиган бошқа шахсларнинг шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини бузиш билан боғлиқ ижтимоий хавфли қилмишлардир. Булар жисмоний зўравонлик, психологик зўравонлик, жинсий зўравонлик, иқтисодий зўравонлик, таҳдидлар, қўрқитиш, ҳақорат қилиш, мажбурлаш, тутқунликда сақлаш ҳамда инсон ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ва қадр-қимматига таҳдид соладиган бошқа ҳаракатлар бўлиши мумкин [8].

Оилавий (маиший) зўравонлик – бу гендер зўравонликнинг одатда турмуш ўртоқлар, жуфтликлар ёки оила аъзолари ўртасидаги яқин муносабатлар доирасида содир бўладиган шакли. Зўравонлик фақат жисмоний куч ишлатиш билан эмас, руҳий, ахлоқий, иқтисодий ва маиший босим кўринишларида намоён бўлиши ва оиланинг ҳар қандай аъзосига нисбатан қўлланилиши мумкин [9].

Оилавий зўравонлик деганда – инсонга нисбатан унинг яқин одами томонидан тажовузкор муносабатда бўлиш, куч ишлатиш тушунилади. Одатда бундай тажовузкорлик жисмонан (калтаклаш), жинсий, руҳий босим (кўрқитиш, ҳақорат қилиш, назарга олмаслик) ёки иқтисодий (топилган пул, моддий манбаларни назорат қилиш ва улар орқали босим ўтказиш) йўли билан амалга оширилади. Оддий қилиб айтганда, оилавий зўравонлик бу – оиладаги муносабатларнинг бузилишига қарамай, бир шахснинг оиланинг иккинчи шахсига қарам бўлганлиги оқибатида унинг босим ва зўравонликларга чидаб келишидир [10].

Оиладаги зўравонликнинг асосий мақсади, шахсни кўрқитиш орқали жабрланувчи устидан мутлақ ҳукмронлик ўрнатишдир. Айрим ота-оналар шу йўл орқали ҳурмат қозонишга ҳаракат қилса, баъзи эр-хотин ёки шерикликда яшаётган шахслар содиқлик ва вафодорликни сақлаб қолмоқчи бўладилар.

Оиладаги зўравонлик шахсга қарши ноқонуний куч ишлатиш, калтаклаш, зўрлаш, мажбур қилиш, таъсир кўрсатиш, ўз ҳукмронлигини ўтказиш каби белгилар орқали ифодаланади. У асосан жисмоний ёки руҳий кўринишда бўлиши мумкин.

Руҳий зўравонлик эса кўп ҳолларда кўрқитиш (бир шахсни иккинчи бир шахс томонидан кўрқитиб бўйсундириш, ўзини кўрсатиш ёхуд ўзига қарам қилиш) шаклида ифодаланади. Руҳий зўравонлик асабийлашишнинг маҳсули бўлиб, бир шахсни кўрқитиб ўзига бўйсундириш, унинг “ихтиёрига зид” ёки “тарбиялаш” мақсадларида қўлланилиши ҳам мумкин. У айбдорга унинг қариндошлари ёки яқин кишиларига нисбатан бевосита қўлланилишида намоён бўлади.

Жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан ҳар хил оғирлик даражасида баданга шикаст етказиш, калтаклаш ва бошқа жисмоний куч ишлатишни жисмоний зўравонлик деб баҳолаш лозим. Зўравонлик жисмоний куч ёки кўрқитиш билан амалга ошириладиган жиноий фаолиятдир. Бунда шахснинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид қилиш орқали ҳуқуқ ва эркинлиги поймол этилади. Мазкур ҳолатда таъсир этиш деганда, жабрланувчига унинг хоҳишига қарши амалга ошириладиган ва унга аниқ жисмоний ёхуд руҳий азоб берадиган, яъни зўравонлик ҳисобланадиган таъсир этишни тушуниш керак [11].

Оиладаги зўравонлик билан боғлиқ жиноятлар ижтимоий хавфлилигининг асосий хусусиятларидан бири мазкур турдаги қилмишлар – тажовуз объектининг жамиятдаги энг асосий институтлардан бири, оиланинг барқарорлиги, соғломлиги, ундаги оила аъзоларининг соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматини муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий муносабатлардан иборатлигини билан изоҳланади. Оиладаги зўравонликни қуйидагиларга ажратиш мумкин: аёлларга нисбатан зўравонлик; болаларга нисбатан зўравонлик; қариндошларга нисбатан зўравонлик [12].

Оиладаги тазйиқ ва зўравонлик кўпинча яширин ҳолатда бўлиши, сиртдан қараганда ҳаммаси рисоладагидек кўриниши, тазйиқ ва зўравонлик жабрланувчилари ушбу ҳолатларни оила шаънига путир етказмаслик учун қатъий

сир тутишлари, айрим ҳолларда эса зўравонликни одатий ҳол деб қабул қилиши мумкин. Тазйиқ ва зўравонликнинг хавфли кўриниши ҳам айнан шунда, чунки ўз вақтида тегишли чора кўрилмай, йиллар давомида давом этган бу ҳолат ўзининг салбий оқибатларини намоён қилмасдан қолмайди. Бундан етган зарар жамият ижтимоий ҳаётига ҳам ўз таъсирини кўрсатади [13].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ҳам тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаслик учун маъмурий жавобгарлик (МЖТК 206¹-модда) назарда тутилган. Бу борадаги ушбу ҳаракатларни такроран содир этишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ошиши ва бу ҳимоя ордери берилган шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғини хавф остига қўйиши мумкинлигини инобатга олиб, ҳимоя ордери талабларини такроран бузганлик учун жиноий жавобгарлик киритиш, шу мақсадда, ЖКни 126²-модда билан тўлдириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, ЎзР ЖКнинг “Оилавий (маиший) зўравонлик” деб номланувчи 126¹-моддасини янада такомиллаштириш мақсадида оилавий зўравонлик *жабрланувчиси* сифатида қўшимча равишда оила аъзолари, турмуш ўртоғининг қариндошлари ҳамда оилавий (яқин) муносабатда бўлган бошқа шахсларни ҳам киритиш; оилавий зўравонлик *объектив томони содир этиш усуллари* сифатида қуйидагиларни ҳам кўрсатиш мумкин: руҳий зўравонлик, иқтисодий зўравонлик, шу жумладан, иқтисодий воситалардан, яшаш учун маблағлардан маҳрум қилиш, жабрланувчини мутассил назорат қилиш, унинг мулкига ва шахсий буюмларига шикаст етказиш, ўз ҳуқуқларини амалга оширишни чеклаш; шахсни таъқиб қилиш (сталкинг) учун жавобгарликни белгилаш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик. // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017 йил 16 июнь.
2. Фитрат.А. Оила ёки бошқариш тартиблари//Масъул муҳаррир: Д.Алимова. – Тошкент, 2000. – Б. 8.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 2019 йил 2 сентябрдаги ЎРҚ-561-сон Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.09.2019 й., 03/19/561/3680-сон
4. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2023 йил 11 апрелдаги ЎРҚ-829-сон Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон
5. Болаларга нисбатан зўравонлик бўйича бутунжаҳон ҳисоботи. – Тошкент, 2009. – Б. 61.; Равшанова Г.А. Гендер стереотипларига қарши курашишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни (маҳалла институти мисолида) // Rapid development of multilateral international relations from a pedagogical point of view: International scientific and practical conference (4 June, 2024). – Тошкент, 2024. – Б.386.
6. Харламов В.С. Теория и практика противодействия преступному насилию в семье: системное криминологическое и уголовно-правовое исследование: Автореф. дисс. ... доктора юридических наук. – СПб., 2019. – С. 15.

7. Домашнее насилие по законодательству зарубежных стран: ответственность и превенция. Domestic violence under the legislation of foreign countries: responsibility and prevention / [И.С.Власов и др.; под ред. Н.А.Голованова]; Ин-т законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации. – М.: Юстицинформ, 2011. – С.25.

8. Турабов В.Т. Оилавий зўравонликка қарши кураш – долзарб муаммолардан бири сифатида // Innovative Development in Educational Activities. – 2023. – Vol. 2(18). – Б.112.

9. Хамидов О.А. Ўзбекистонда оилавий (маиший) зўравонликка қарши курашишнинг ҳуқуқий ҳолати // Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2023. – Vol. 3(8). – Б.38.

10. Самандаров В.Р. Оилавий (маиший) зўравонлик тушунчаси: миллий ва халқаро тажриба // Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb masalalari va zamonaviy tendensiyalari: xalqaro konferensiya materiallari (April 24, 2024). – Toshkent, 2024. – В.972.

11. Ахмедов С. Оиладаги зўравонликнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари: Магистрлик иши. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура академияси, 2022. – Б.12.

12. Турабов В.Т. Оилавий зўравонликка қарши кураш – долзарб муаммолардан бири сифатида // Innovative Development in Educational Activities. – 2023. – Vol. 2(18). – Б.112.

13. Равшанова Г. Оилада хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг вазифалари // Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий журнали . – 2022. – №1/6. – Б.144-145.